



## Ислом Нури

Аллоҳ таоло айтади: «**Ҳаж ва умрани Аллоҳ учун комил суратда адо қилинг!**» (Бақара: 196).

«Аллоҳ таоло айтади: «Ҳаж ва умрани Аллоҳ учун комил суратда адо қилинг!» :Ҳаж ва умра ҳаққинда Аллоҳ таоло айтади: «Ҳаж ва умрани Аллоҳ учун комил суратда адо қилинг!» (Бақара: 196) «Ҳаж ва умрани Аллоҳ учун комил суратда адо қилинг!»

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Умра кейинги умрагача ўртадаги гуноҳларга каффоратдир. Мабрур ҳажнинг жаннатдан бошқа мукофоти йўқдир» (Имом Бухорий ривояти).

«Аллоҳ таоло айтади: «Ҳаж ва умрани Аллоҳ учун комил суратда адо қилинг!» :Ҳаж ва умра ҳаққинда Аллоҳ таоло айтади: «Ҳаж ва умрани Аллоҳ учун комил суратда адо қилинг!» (Бақара: 196) «Ҳаж ва умрани Аллоҳ учун комил суратда адо қилинг!»

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Умра ва ҳажни бирин-кетин қилиб туригиз! Чунки ҳаж билан умра фақирлик ва гуноҳларни худди босқон темир, олтин ва кумуш устидаги кирларни кетказганидек йўқотиб ташлайди. Мабрур ҳажнинг жаннатдан бошқа мукофоти йўқдир» (Имом Термизий ривояти).

### Шарҳ:

Умра қилиш ва уни кетма-кет қилиб туриш улуғ ибодатлардан бўлиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унинг гуноҳларга каффорат



ва хатоларнинг мағфират қилинишига сабаб бўлишини айтганлар, ҳаж билан умрани кетма-кет қилишда гарчи пул-мол сарф бўлса-да, аслида у фақирликнинг кетиши ва бойлик келишига сабабдир, деганлар.

**Бугунги дарсдан олинadиган фойдалар:**

1. Умранинг фазли, унинг гуноҳларнинг мағфират қилинишига сабаб бўлиши;
2. Ҳаж билан умрани кетма-кет қилишнинг яхшилиги;
3. Бундай қилиш камбағалликнинг кетишига сабаб экани.